

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТУХТАЕВА ХАФИЗА ХИКМАТОВНА**

**ТАЖРИБАДА ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ НУРЛАНИШ  
ТАЪСИРИНИНГ ИММУН-ГЕМАТОЛОГИК ВА ЦИТОГЕНЕТИК  
ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тухтаева Хафиза Хикматовна**

Тажрибада ўткир ва сурункали нурланиш таъсирининг иммун-гематологик ва цитогенетик жиҳатларини баҳолаш..... 3

**Тухтаева Хафиза Хикматовна**

Оценка иммуногематологических и цитогенетических аспектов острого и хронического облучения в эксперименте..... 23

**Tuxtayeva Xafiza Xikmatovna**

Evaluation of immuno-hematological and cytogenetic aspects of acute and chronic irradiation in the experiment..... 41

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТУХТАЕВА ХАФИЗА ХИКМАТОВНА**

**ТАЖРИБАДА ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ НУРЛАНИШ  
ТАЪСИРИНИНГ ИММУН-ГЕМАТОЛОГИК ВА ЦИТОГЕНЕТИК  
ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2333 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Хамдамов Бахтиёр Зарифович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Наврузова Шакар Истамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Полевщиков Александр Витальевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ионланувчи нурланиш энергияси ҳозирги кунда турли саноат соҳалари, биология, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Маълумки, нур касаллиги бу организмнинг патологик ҳолати бўлиб, ионланувчи нурланишнинг максимал йўл қўйилган меъёрларидан юқори дозалари таъсирида келиб чиқади. «... Нур касаллиги ривожланишида ионланувчи нурланишнинг сезгир тўқима ва аъзоларга - қон яратиш аъзоларининг ўзак хужайралари, мойқлар, ингичка ичак ва тери эпителийси махсус емирувчи таъсири, нейроэндокрин ҳамда асаб тизимларига махсус бўлмаган қўзғатувчи таъсири етакчи аҳамият касб этади»<sup>1</sup>. Шунингдек, асаб тўқимаси радиацияга, ҳатто энг кам дозаларда ҳам юқори функционал сезгирлиги билан ажралиб туради. Гипофиз, буйрак усти беши ва қалқонсимон без фаолиятининг бузилишлари ҳам аҳамиятли. Турли кўринишдаги нурланишларнинг иммунологик, гематологик, цитогенетик таъсирлари кам ўрганилганлиги боис, ушбу параметрлар билан боғлиқ организмда кечувчи патологик жараёнларни тажрибада ўрганиш ҳам долзарб.

Дунё миқёсида етакчи илмий марказлар тадқиқотчилари томонидан нур касаллиги шаклланиши ва ривожланишининг асосий патогенетик бўғини қон тизимининг зарарланиши эканлиги исботлаб берилган, шунингдек, қон яратиш тизими, айниқса, суяк кўмиги хужайралари нурланишга берилувчан ҳисобланиши унинг асосий таъсири иммун тизимга ҳам эканлиги кўрсатиб берилган. Нурланиш таъсирида суяк кўмиги аплазияси, қон яратиш аъзоларида митотик жараёнлар сўниб бориши, суяк кўмиги паст дифференцирланган хужайраларининг тотал ҳалок бўлиши кузатилиши аниқланган. Аммо, бугунги кунгача тажрибавий ҳамда клиник тадқиқотлар асосида ўткир ва сурункали нурланишларнинг организм иммунологик, гематологик ва цитогенетик кўрсаткичларига таъсир даражаси, улар келтириб чиқарган патологик жараёнга турли дори воситаларининг, шу жумладан биологик препаратларнинг таъсири охиригача ўрганилмаган.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, турли кўринишдаги нурланишларнинг патогенетик таъсирини аниқлаш, ушбу ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий-биологик хавфсизликни таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунга асосан тажрибада ўткир

<sup>1</sup> Михеев А.Н. Малые дозы радиобиологии. Моя маленькая радиологическая вера. - Киев, Фотосоциоцентр, 2016. - 371 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ва сурункали нурланишнинг иммун тизимига таъсирини тажрибада қиёсий ўрганиш, профилактик биокоррекция усуллари мужассамлашган комплекс ташҳис ва даволашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аниқланишича, ионланувчи нурланиш хилларига қуйидагилар киради: кичик тўлқин узунлигига эга электромагнит тебранишлари, рентген нурлари,  $\gamma$ -нурланиш,  $\alpha$ - ва  $\beta$ -заррачалар (электронлар) протонлар, позитронлар, нейтронлар ва бошқа нурланган заррачалар (Золотарева С.Н., ва ҳаммуал., 2015; Михеев А.Н., 2016; Shimizu Y. et al., 2010; Darby S.C. et al., 2013). Рентген нурлари ва  $\alpha$ -нурланиш организмга энг юқори ва чуқур кира олиш қобилиятига эга, энг кам кириш қобилияти  $\beta$ -нурланишга тегишли.

Маълумки, ташқи ионланувчи нурланиш организмга унинг таъсир давридагина амалга ошади. Ионланувчи нурланиш таъсирида организмда турли радиоактив субстанциялар пайдо бўлади. Маълум вақтгача зарарланган организм ушбу радионуклидлар ташувчисига айланади, бунинг натижасида ички нурланиш ривожланади (Краснюк В.И., Устюгова А.А., 2013; Уланова А.М. ва ҳаммуал., 2016; Узбеков Д.Е. ва ҳаммуал., 2016; Singh V.K., Seed T.M., 2020). Радиоактив субстанциялар организмга тери, ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари орқали тушиши мумкин. Шундан сўнг улар ички нурланиш манбаи бўлиб қолиб, қон ва лимфа оқими орқали организмнинг бошқа аъзо ва тўқималарига тарқалади.

Изотоплар орасида энг хавфлилари узоқ емирилиш даврига эга бўлганларидир, улар организмга тушганда одам умри давомида ички нурланиш манбаси бўлиб қолади. Радиоактив элементлар элиминацияси ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари ва буйраклар орқали амалга ошади. Радиация таъсирининг бирламчи босқичи бўлиб хужайра таркиби молекула

ва атомларининг ионизацияси ҳисобланади (Жетписбаева Х.С. ва ҳаммуал., 2014; Самыловская М.Ю., Пожарищенская Д.А., 2018; Wang W. et al., 2020).

Нур касаллигининг патогенези организмга ионланувчи нурланишнинг бевосита ва билвосита таъсири билан изоҳланади. Радиациянинг оксилга бевосита таъсири унинг денатурацияси билан боғлиқ. Бунда зарарланган хужайраларда нуклеин кислоталар деполимеризацияси билан кечувчи физик-кимёвий жараёнларнинг бузилиши билан кечади. Бунда хужайра мембранаси ўтказувчанлиги кучаяди, радиацияга сезгир хужайра компонентларига ядро хромосомаси ва цитоплазма киради (Рождественский Л.М., 2019).

Нурланишнинг билвосита таъсири организмнинг 70-80% ини ташкил этувчи сувнинг радиолизи ҳосил бўлиши билан изоҳланади, бунда сув ионизацияланганда оксидловчи ва ишқорий хусусиятларига эга радикаллар шаклланади. Бундан ташқари атомар водород, гидропероксил радикаллар, водород пероксиди ҳосил бўлиши ҳам аҳамиятли. Эркин оксидловчи радикаллар ферментатив реакцияга киришиб, бунинг натижасида фаол сульфгидрил гуруҳлар фаол бўлмаган дисульфид бирикмаларга айланади. Ушбу биокимёвий жараёнлар фермент тизимлари каталитик фаоллигининг пасайишига олиб келади, бу ўз навбатида хужайра ядроларида ДНК ва РНК нинг камайишига олиб келади, бу ҳолат улар янгиланишлари жараёнларини бузади (Аклеев А.А., Долгушин И.И., 2018; Мурзина Е.В. ва ҳаммуал., 2020).

Ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида иммун тизимидаги дисбаланс даражаси, гематологик кўрсаткичлар ва суяк кўмигидаги цитогенетик ўзгаришлар, биопрепаратларнинг нурланган организмга таъсир механизмларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари камлиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022.PhD.143) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишларнинг организм иммунологик, гематологик ва цитогенетик параметрларига таъсир даражасини ўрганиш, уларга биопрепаратлар таъсирини баҳолашдан иборат бўлган.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажрибавий ўткир нурланишларнинг лаборатория ҳайвонлари иммун тизими ва гематологик кўрсаткичларига таъсир даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

тажрибавий сурункали нурланишларнинг лаборатория ҳайвонлари иммун тизими ва гематологик параметрларига таъсир даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

ўткир ва сурункали нурланишларнинг тажриба ҳайвонлари суяк кўмиги цитогенетик кўрсаткичларига таъсир даражасини қиёсий аниқлаш;

ўткир ва сурункали нурланишларда тажриба ҳайвонлари иммун тизими иммунокомпетент хужайралари миқдорий кўрсаткичларига биологик препаратлар таъсирини ўрганиш ва биокоррекция самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида эркак жинсига мансуб, 160-180 грамм оғирликдаги оқ зотсиз каламушларнинг 90 таси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида оқ зотсиз каламушлар қони, қон зардоби, суяк кўмиги олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун тажрибавий, иммунологик, гематологик, цитогенетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўткир тажрибавий нурланишда лимфоцитлар, CD3<sup>+</sup>-, CD4<sup>+</sup>-, CD95<sup>+</sup>- хужайралари назоратга нисбатан мос равишда 1,41, 1,58, 1,43 ва 1,51 мартага ишонarli пасайгани, CD8<sup>+</sup>- ва CD16<sup>+</sup>-хужайралари эса мос равишда 1,40 ва 1,35 мартага ишонarli кўпайгани ҳамда иммунорегуляция индексининг 2,01 мартага пасайиши иккиламчи иммунитет танқислиги ривожланишининг асосий белгиси эканлиги аниқланган;

ўткир ва сурункали нурланиш иммунокомпетент хужайраларнинг миқдорий номуносорблигига олиб келиши, иккиламчи иммун танқислиги чуқурлиги сурункали нурланишни олган каламушларда ўткир нурланишни олган каламушларга нисбатан яққолроқ намоён бўлиши натижасида нурланишнинг нафақат дозаси, балки таъсир давомийлиги ҳам иммун тизими ҳолати учун муҳим ўрин тутиши исботланган;

нормал цитогенетик жараёнлар интакт лаборатория ҳайвонларида оғишларсиз кечгани ҳолда, ўткир нурланишда суяк кўмиги митозининг патологияси, хромосома аберрацияси, митотик фаоллик камайиши каби цитогенетик ўзгаришлар сурункали нурланишга нисбатан ишончли камроқ намоён бўлганлиги илк бор исботланган;

сурункали нурланишда «Lactopropolis-AWL» биологик фаол қўшимчаси билан биокоррекциянинг иммун тизими Т-бўғини ва махсус бўлмаган ҳимоя омиллари, шунингдек иммунитет танқислиги кўпроқ кузатиладиган иммунокомпетент хужайралар миқдорий кўрсаткичларига ижобий таъсири ҳамда самарадорлиги ўткир нурланишга нисбатан юқори бўлганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

CD3<sup>+</sup>-, CD4<sup>+</sup>-, CD8<sup>+</sup>-, CD16<sup>+</sup>-, CD20<sup>+</sup>-, CD95<sup>+</sup>-хужайралар тажрибада ўткир ва сурункали нурланишларнинг иммун тизимга таъсир даражасини баҳолаш мақсадида иммун статусни ўрганиш учун аҳамиятга эга кўрсаткичлар сифатида эътироф этилиб, тажрибавий нурланишларнинг организм иммун тизимига таъсирини баҳолаш учун ўрганиш мақсадида тавсия этилган;

ўткир нурланишда суяк кўмиги хужайралари митоз патологияси кузатилмагани, митотик фаоллик камайгани, митотик бўлинишда кам



ўзгаришлар бўлгани ҳолда сурункали нурланишда ушбу ҳолатлар намоён бўлгани митоз патологиясидан далолат бериши амалий соғлиқни сақлашда банд бўлган шифокорлар учун муҳимлиги аниқланган;

ўткир ва сурункали тажрибавий нурланишларда биокоррекция самарадорлиги иммунорегулятор индекс кўрсаткичларида аниқ кузатилган, шу сабабли ушбу индекс турли кўринишдаги тажрибавий нурланишларда биокоррекция самарадорлигини баҳоловчи мезон сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи тажрибавий, иммунологик, цитогенетик, статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги лаборатория ҳайвонларидан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жихатдан тасдиқланганлиги, уларнинг ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёсланганда ишончилиги, келтирилган хулосалар асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўткир тажрибавий нурланишларда CD3+-, CD4+-, CD95+-хужайралар, иммунорегулятор индекс назоратга нисбатан мос равишда ишонарли пасайгани, CD8+- ва CD16+-хужайралар ишонарли ошганини иккиламчи иммунодефицит ривожлангани сифатида илк бор эътироф этилганлиги, нурланишлар иммунокомпетент хужайралар миқдорий дисбаланси, иккиламчи иммунодефицит чуқурлиги сурункали нурланиш олган каламушларда яққолроқ намоён бўлгани, бу ҳолат нурланишларнинг нафақат дозаси, балки унинг таъсир давомийлиги, иммун тизими ҳолати учун муҳимлиги исботланганлиги, ўткир нурланишларда суяк кўмигидаги цитогенетик ўзгаришлар сурункали нурланишларга нисбатан ишонарли кам намоён бўлгани аниқланганлиги, сурункали нурланишда биокоррекция иммун тизимининг Т-бўғини ҳамда махсус бўлмаган ҳимоя омиллари, иммун етишмовчилик кўпроқ кузатиладиган иммунокомпетент хужайралар миқдорий кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши, биокоррекция самараси сурункали нурланишда ўткир нурланишга нисбатан юқори бўлиши исботланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD20+-, CD95+-хужайралар тажрибада ўткир ва сурункали нурланишларнинг иммун тизимга таъсир даражасини баҳолаш мақсадида тавсия этилганлиги, ўткир нурланишда суяк кўмиги хужайраларида митоз патологияси кузатилмагани, митотик фаоллик камаймагани, митотик бўлинишда кам ўзгаришлар бўлгани ҳолда сурункали нурланишда ушбу ҳолатлар намоён бўлгани митоз патологиясидан далолат бериши амалий соғлиқни сақлашда банд бўлганлар учун муҳимлиги кўрсатилганлиги, тажрибавий нурланишларда биокоррекция иммунорегулятор индекс кўрсаткичларида аниқ кузатилиб, ушбу индекс турли кўринишдаги тажрибавий нурланишларда биокоррекция самарадорлигини баҳоловчи мезон сифатида тавсия этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишларнинг организм иммунологик ва цитогенетик параметрларига таъсирини ўрганиш, уларга биокоррекция таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

тажрибавий тадқиқотларда нурланишларнинг суяк кўмигига таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилишга имкон берувчи «Тажрибада ўткир ва сурункали нурланишларда суяк кўмиги цитогенетик таҳлилини ўрганиш ва баҳолаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 декабрдаги 8н-р/1295 сон хулосаси). Услубий тавсиянома турли кўринишда нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари суяк кўмиги цитогенетик ҳолатини ўрганиш ҳамда баҳолаш орқали нурланишлар таъсирини аниқлашга имкон яратган;

тажрибавий тадқиқотларда ўткир ва сурункали нурланишларнинг организм иммунологик ва цитогенетик параметрларига таъсирини ўрганиш, уларга биокоррекция таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Бухоро вилояти санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси, Бухоро шаҳар санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими ва Бухоро вилояти Ромитан тумани санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлимига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 8н-д/116-сон хулосаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 116 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Ўткир ва сурункали нурланишлар таъсирида иммунологик, гематологик ва цитогенетик ўзгаришларга замонавий қарашлар**» ватандош ва хорижий тадқиқотчилар эълон қилган илмий манбалар асосида келтирилган, турли нурланишларнинг организмга таъсири бўйича клиник ва тажрибавий тадқиқотлар натижалари таҳлили баён этилган. Нурланишларнинг организм турли аъзоларига салбий таъсири бўйича клиник-лаборатор, иммунологик, морфологик, гематологик ва бошқа тадқиқотлар асосида олинган натижалар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, нур касаллигини даволаш, унинг организмга таъсирини камайтириш, ўткир ва сурункали нурланишлардан оғир асоратлар олдини олиш учун ишлатиладиган турли дори препаратлари ҳамда уларнинг таъсир даражалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тажрибада нурланишнинг иммун-гематологик, цитогенетик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар материал ва усуллари**» батафсил баён этилган.

Экспериментал тадқиқотлар учун эркак жинсидаги, 160-180 г оғирликдаги оқ зотсиз каламушлар танланган. Ушбу вояга етган (3 ойлик) оқ зотсиз каламушлар нисбий намлик (50-60%), ҳарорат (19-22<sup>0</sup>С) ва ёруғлик режимида (12 соат қоронғулик ва 12 соат ёруғлик режимида) стандарт виварий шароитида сақланган. Лаборатория ҳайвонлари стандарт виварий озик-овқат рационини тузишда Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. (2016) услубий қўлланмасида кўрсатилган тавсиялардан келиб чиқилган. Лаборатория ҳайвонларини сақлаш, жонсизлантириш ва анатомик ёришда барча биологик хавфсизлик қоидалари ва улар билан ишлашнинг этик тамойилларига риоя қилинган. Лаборатория ҳайвонлари билан тажриба ўтказиш учун ЎзР ССВ Этик қўмитасидан ёзма рухсатнома олинган (2020 йил 20 октябрдаги 03/3027-сон расмий хат, 2020 йил 30 октябр 6-сонли баённома).

Барча лаборатория ҳайвонлари уч гуруҳга ажратилган:

назорат гуруҳи - лаборатория ҳайвонлари (n=30) стандарт виварий рацион ва ичимлик суви (ab libitum - «ўз хоҳишига кўра») билан боқилган, улар рационига «Lactopropolis-AWL» биологик фаол қўшимчаси (биопрепарат) қўшилмаган;

1-асосий гуруҳ - лаборатория ҳайвонлари (n=30) стандарт виварий рацион ва ичимлик суви (ab libitum) билан боқилган, улар 1 марта 5 Грей дозада тотал нурлантирилган (ўткир нурланиш);

2-асосий гуруҳ - лаборатория ҳайвонлари (n=30) стандарт виварий рацион ва ичимлик суви (ab libitum) билан боқилган, улар 20 кун давомида ҳар куни 1 марта 0,2 Грей дозада нурлантирилган (сурункали нурланиш).

1- ва 2-асосий гуруҳлар ўз навбатида яна 2 тадан гуруҳчаларга бўлинган:

1а гуруҳча - биопрепарат олган, ўткир нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари (n=15); 1б гуруҳча - биопрепарат олмаган, ўткир нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари (n=15); 2а гуруҳча - биопрепарат олган, сурункали нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари (n=15); 2б гуруҳча - биопрепарат олмаган, сурункали нурлантирилган лаборатория ҳайвонлари (n=15).

Тажрибада лаборатория ҳайвонларини нурлантириш АГАТ-Р1 (Эстония) гамма-терапевтик аппарати ёрдамида амалга оширилган, унда нурланиш манбаси Со-60 бўлган. Ҳайвонларни нурлантириш билан боғлиқ тадқиқотлар ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Бухоро филиалида ўтказилган.

«Lactopropolis-AWL» биологик фаол қўшимчаси таркиби *Lactobacillus rhamnosus* 925, *Enterococcus durans* пробиотик бактериялари ва прополис биологик фаол бирикмалари экстрактидан иборат бўлиб, антимикроб, иммуностимулловчи, яллиғланишга қарши хусусиятларга эга (ЎзР ФА Микробиология институти ва «AllWellLab» МЧЖ маҳсулоти).

Лейкоцитлар ёруғлик микроскопи билан санок камерасида (Горяев камераси) саналган. Лаборатория ҳайвонлари иммун тизими хужайралари кўрсаткичлари CD-дифференцияловчи ва активацияловчи антигенлар экспрессияси бўйича баҳоланган. Унда шу хужайраларнинг қуйидаги маркёрлари аниқланган: CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD20+-, CD95+- лимфоцитлар. CD рецепторлар экспрессияси Гариб Ф.Ю. ва ҳаммуал. (1995) усули бўйича «Сорбент» МЧЖ (РФ) ишлаб чиқарган LT серияли моноклонал антителолар ёрдамида розетка ҳосил қилиш реакциясида ўтказилган. Шунингдек, иммунорегурятор индекс (ИРИ) ҳисобланган.

Цитогенетик тадқиқотлар учун ҳайвонларни жонсизлантириш пайтида уларнинг найсимон суяклари суяк кўмиги ажратиб олинган ва тажрибалар давом эттирилган. Оқ зотсиз каламушлар суяк кўмиги хужайраларида цитогенетик ўзгаришлар бевосита усул ёрдамида ўрганилган. Инкубация мақсадларида ТС-1/80 СПУ (РФ) термостати, препаратда метафазаларни қидириш N800 М маркали ёруғлик микроскопида («Leica», Германия) 200 марта катталаштиришда кўрилган, метафаза пластинкалари 1000 марта катталаштиришда ўрганилган, ҳар бир келтирилган намунада метафаза пластинкалари бўлган 15 тадан 25 тагача хужайралар микроскоп остида саналиб, олинган рақамлар таҳлил қилинган. Препаратларда бўлинадиган хужайралар сони микроскоп остида ҳисобланган ва митотик индекс (МИ) формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилган:

$$\text{МИ} = \text{Бўлинаётган хужайралар миқдори} / 1000 \times 100$$

Митотик индекс хужайраларининг митотик фаоллигини кўрсатувчи параметр сифатида қўлланилишини эътиборга олиш зарур.

Гематологик тадқиқотлар гематологик анализаторда ўтказилган.

Олинган материални статистик ишлаш вариацион статистика усуллари ёрдамида «Excel» дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Статистик ишлов «Pentium IV» процессорлари асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда бажарилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Ўткир нурланишнинг тажриба ҳайвонлари организмига таъсирининг иммунологик хусусиятлари тавсифи**» кўрсатиб берилган.

Ўткир нурланиш таъсирини тажрибада ўрганиш учун авваламбор ушбу таъсирга чалинмаган интакт оқ зотсиз эркак каламушлар иммун тизимининг асосий кўрсаткичлари ўрганилган, жами 9 та кўрсаткич (лейкоцитлар миқдори, лимфоцитлар умумий миқдори, CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD20+-, CD95+-хужайралар, ИРИ) таҳлил қилинган. Имунокомпетент хужайралар мутлоқ параметрлари лейкоцитлар ва лимфоцитлар умумий миқдорига нисбатан ҳисобланган. Ушбу натижалар оқ зотсиз каламушларда тажрибавий тадқиқотлар ўтказган олдинги тадқиқотчилар маълумотларига ўхшаш бўлган (Алланазаров А.Х., 2020).

Жами 5 Грей дозада бир марталик ўткир нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар иммун тизими асосий кўртсакичларида нурланишдан сўнг бешинчи кунда натижалар олинган. Лаборатория ҳайвонларининг асосий ва назорат гуруҳларида лейкоцитлар кўрсаткичи бир биридан ишонарли фарқ қилмаган - мос равишда  $4600 \pm 49 \times 10^9/\text{л}$  ва  $4680 \pm 36 \times 10^9/\text{л}$  ( $P > 0,05$ ). Бу ҳолат нурланишдан кейинги даврнинг қисқалиги (5 кун) билан изоҳланган, ваҳоланки ўткир нурланиш лейкоцитлар миқдори камайишига сабаб бўлувчи омил, деб ҳисобланади. Бу ҳолатни изоҳловчи бошқа сабабга компенсатор-мослашув механизмларининг фаолияти оқибатида маълум вақтгача қонда лейкоцитлар миқдорининг меъёр чегараларида сақланишига эришилган.


Лимфоцитлар миқдорий ва нисбий миқдорлари қиёсий ўрганилганда тамомила бошқача манзарага гувоҳ бўлинган. Улар нисбий кўрсаткичи ўткир нурланиш олган тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига (интакт) нисбатан 1,41 мартагача ишонарли даражада камайгани эътироф этилган ( $P < 0,05$ ). Ушбу хужайранинг мутлоқ параметрлари қиёсланганда ҳам бир бирига ўхшаш тенденция кузатилган, камайиш 1,44 мартани ташкил этган ( $P < 0,05$ ). Лимфоцитлар нисбий ва мутлоқ миқдорларининг камайиши ўткир нурланишнинг ушбу хужайралар ҳосил бўлиш жараёни (пролиферация ва дифференциация), улар фаоллиги пасайишига таъсири билан изоҳланган.

CD3+-, CD4+- ва CD8+-хужайралар ўзгаришлари турлича тус олган, CD3+-хужайралар параметрларида назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонарли даражадаги пасайиш кузатилган (1-расм). CD3+-хужайралар камайиши 1,58 мартани ташкил этган бўлса ( $P < 0,001$ ), CD4+-хужайралар нисбий миқдори 1,43 мартагача камайгани аниқланган ( $P < 0,05$ ). CD8+-хужайралар нисбий миқдори бўйича тескари манзара гувоҳи бўлинган - ушбу хужайралар асосий гуруҳда назоратга нисбатан ишонарли равишда ошган - 1,40 мартага ( $P < 0,05$ ). Ҳар иккала лимфоцитлар бир хил таъсирга турлича ўзгаришлар билан жавоб қайтарган.

CD3+- ва CD4+-хужайралар нисбий миқдорининг ўткир нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар гуруҳида интакт лаборатория ҳайвонларига нисбатан пасайиши лимфоцитлар умумий миқдори камайиши, Т-лимфоцитлар тизимидаги иммунодефицит билан изоҳланган, шунингдек бу ҳолат ўткир нурланиш таъсири сифатида эътироф этилган, чунки лаборатория ҳайвонларига таъсир этувчи бошқа омиллар бартараф этилган бўлган. CD8+-хужайраларнинг бошқасига нисбатан кўпайиши иккиламчи иммунодефицит ривожланиши сабабларидан бири эканлиги аён бўлган. Юқорида

келтирилган иммунокомпетент хужайралар миқдорий кўрсаткичлари бўйича ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган.

Иммун тизимнинг Т-тизимига баҳо бериш учун қўлланиладиган баҳоловчи параметрлардан яна бири ИРИ бўлиб, бу индекс Т-лимфоцитлар асосий иммунорегулятор хужайраларининг айна ҳолатда бир бирига нисбати даражасини кўрсатган, ИРИ қанча юқори бўлса, организмда иммун етишмовчилик шунча кам ифодаланганини кўрсатган, бу индекс қанча кам бўлса, шунчалик даражада иккиламчи иммунодефицит чуқурлилик даражасини кўрсатган.



**1-расм. Ўткир нурланиш олган (асосий) ва олмаган (назорат) оқ зотсиз каламушлар Т-лимфоцитлар параметрлари қиёсий тавсифи, %**

Шу сабабли ИРИ ни иммун статусга баҳо беришда доимо қўллаш тавсия этилган. ИРИ назорат гуруҳида асосий гуруҳга нисбатан ишонарли даражада юқорилиги билан тафовутланган (2,01 марта,  $P < 0,001$ ). Нисбий ва мутлоқ параметрлар бўйича ҳам бу birlikнинг бир хил натижа кўрсатиши уни иммунодефицит чуқурлилик даражасини баҳолаш учун иммунологик мезон сифатида қўллаш мумкинлигини кўрсатган.

Олинган натижалар CD20+-хужайралар бўйича таққосланаётган гуруҳлар орасида ишонарли фарқлар учрамаганини кўрсатган ( $P > 0,05$ ), 1,12 марталик фарқ асосий гуруҳ фойдасига бўлган. Натижалар бир биридан ишонарли даражада тафовутланмаса ҳамки, ўткир нурланиш олган оқ зотсиз каламушлар CD20+-хужайраларида интакт ҳайвонларга нисбатан кўпайиш тенденцияси кузатилган. Бу ҳолат иммун тизим Т-бўғинидаги ўзгаришлар В-тизимга нисбатан тез ривожланишини, В-бўғин иммун тизимда вужудга келадиган дефицитни тўлдиришга интилишини кўрсатган.


Кузатувларда ўткир нурланиш олган лаборатория ҳайвонларида CD16+-хужайралар нисбий параметри назорат гуруҳи каламушларига нисбатан ишонарли ошгани кузатилган - 1,35 мартага ( $P < 0,05$ ).

CD95+-рецептор апоптоз рецепторларидан бири бўлиб, иммун тизимининг барча хужайралари юзасида экспрессия бўлади ва иммун тизими фаолиятининг назоратида иштирок этади. Тадқиқотларда CD95+-хужайралар нисбий миқдори назорат гуруҳига мансуб оқ зотсиз каламушларда  $17,8 \pm 1,2\%$

ни ташкил этгани ҳолда асосий гуруҳда  $11,8 \pm 1,5\%$  гача ишонарли равишда пасайган - 1,51 мартага ( $P < 0,05$ ).

Агар ўткир нурланиш таъсирида тажриба ҳайвонлари қонидаги иммунокомпетент ҳужайралар нисбий кўрсаткичларига баҳо берадиган бўлсак, ўрганилган иммун тизимига алоқадор 9 та кўрсаткичнинг 8 тасида (88,9%) ишонарли даражадаги ўзгаришлар кузатилганига гувоҳ бўлинган (2-расм). Фақатгина CD20+-ҳужайраларда солиштирилаётган гуруҳлар орасида ишонарли ўзгаришлар кузатилмаган.

Келтирилган 2-расм тажрибада лаборатория ҳайвонлари иммун тизими иммунокомпетент ҳужайраларининг ўткир нурланиш таъсирида ўзгаришлари йўналишларини яққол кўрсатиб турибди.



**2-расм. Ўткир нурланиш олган ва олмаган лаборатория ҳайвонлари иммун тизим ҳужайралари нисбий параметрлари кўрсаткичлари, %**

Ишнинг кейинги босқичида ўткир нурланиш олган тажриба ҳайвонларига биокоррекциянинг иммун тизим ҳужайраларига таъсир даражасини баҳолаш бўлган (жадвал).

**Жадвал**


**Ўткир нурланиш олган лаборатория ҳайвонлари иммун тизим асосий параметрларининг биокоррекция ўтказилган ва ўтказилмаган ҳолатдаги қиёсий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	1б гуруҳча, n=15		1а гуруҳча, n=15	
	%	Мутлоқ	%	Мутлоқ
Лейкоцитлар, $\times 10^9/\text{л}$	-	$4600 \pm 49$	-	$5650 \pm 6,1^* \uparrow$
Лимфоцитлар	$35,3 \pm 1,4$	$1624 \pm 64$	$44,5 \pm 1,6^* \uparrow$	$2514 \pm 90^* \uparrow$
CD3+-ҳужайралар	$31,8 \pm 1,5$	$516 \pm 24$	$39,9 \pm 1,7^* \uparrow$	$1003 \pm 43^* \uparrow$
CD4+-ҳужайралар	$22,8 \pm 1,1$	$370 \pm 18$	$23,9 \pm 1,2 \leftrightarrow$	$601 \pm 30^* \uparrow$
CD8+-ҳужайралар	$18,1 \pm 1,2$	$294 \pm 19$	$16,3 \pm 1,1 \leftrightarrow$	$410 \pm 28^* \uparrow$
ИРИ	$1,26 \pm 0,2$	$1,26 \pm 0,2$	$1,47 \pm 0,1^* \uparrow$	$1,47 \pm 0,1^* \uparrow$
CD16+-ҳужайралар	$24,4 \pm 1,6$	$396 \pm 26$	$22,3 \pm 1,5 \leftrightarrow$	$561 \pm 38^* \uparrow$
CD20+-ҳужайралар	$21,9 \pm 1,7$	$356 \pm 28$	$23,6 \pm 1,8 \leftrightarrow$	$593 \pm 45^* \uparrow$
CD95+-ҳужайралар	$11,8 \pm 1,5$	$192 \pm 24$	$15,5 \pm 1,0^* \uparrow$	$390 \pm 30^* \uparrow$

Эслатма: \* - биокоррекция ўтказилган ва ўтказилмаган гуруҳлар орасидаги ишончлилик белгиси:  $\uparrow$  - ўзгаришлар йўналиши;  $\leftrightarrow$  - ишончли тафовут мавжуд эмас.

Кўриниб турибдики, нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар турлича бўлиб, нисбий кўрсаткичларнинг (8 та параметр) 4 тасида (50%) кўрсаткичлар ижобий томонга ишонарли даражада ўзгарган, қолган 4 та кўрсаткичда (50,0%) эса ишонарли ўзгаришлар аниқланмаган, шундай бўлсада, уларда ижобий томонга силжиш тенденцияси кузатилган.

Ишонарли даражадаги ўзгаришлар нисбий кўрсаткичлар лимфоцитлар умумий миқдори (ўсиш 1,26 мартага), CD3+-хужайралар (ўсиш 1,25 мартага), ИРИ (ўсиш 1,17 мартага) ҳамда CD95+-хужайралар (ўсиш 1,31 мартага) бўйича кузатилган. Эътиборли жойи шундаки, ўткир нурланиш таъсирига биринчи бўлиб таъсирланган хужайралар биокоррекция ўтказилгач, таъсирчанлиги қисман камайганлиги кузатилган (3-расм).



**3-расм. Ўткир нурланишда биокоррекция олган ва олмаган лаборатория ҳайвонлари иммун тизим ҳужайралари нисбий параметрлари қиёсий кўрсаткичлари, %**

Ўрганилган 9 та иммунокомпетент хужайраларнинг барчаси (100%) мутлоқ миқдорларида ишонарли ўзгаришлар кузатилган ( $P < 0,05$  -  $P < 0,001$ ). Ўткир нурланишгача биокоррекция ўтказилган лаборатория ҳайвонлари гуруҳи кўрсаткичлари, биокоррекция ўтказилмаган оқ зотсиз каламушларга нисбатан иммун тизими ҳужайраларининг ижобий томонга силжиши 1,17 мартадан 2,03 мартагачани ташкил этган.

Агар биокоррекция ўтказилган 1а гуруҳча параметрларини интакт лаборатория ҳайвонлари (назорат гуруҳи) кўрсаткичлари билан солиштирсак, бу гуруҳчадан қуйидаги фарқли жиҳатлар борлиги кузатилган:

биринчи жиҳат, иммун тизимининг ўрганилган 9 та иммунокомпетент хужайралар кўрсаткичлари мутлоқ миқдорларининг назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан ишонарли юқорилиги аниқланган;

иккинчи жиҳат, иммун тизимининг ўрганилган 9 та иммунокомпетент хужайралар нисбий миқдорларининг интакт лаборатория ҳайвонлари кўрсаткичларига яқинлашган, айниқса бу лимфоцитлар умумий сони, CD25+-хужайралар бўйича яққол намоён бўлган;



учинчи жихат, CD4+-хужайраларнинг «Lactopropolis-AWL» биологик фаол кўшимчаси билан биокоррекцияча ва ундан кейин амалий жихатдан бир хил бўлиб, меъёр чегараларидан узоқ;

тўртинчи жихат, биокоррекция ўтказилганлигидан қатъий назар CD20+-хужайраларининг келтирилган меъёр кўрсаткичларидан кўп фарқланмаслиги.

Умуман олганда, биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар гуруҳида (1а гуруҳча) иммун тизим миқдорий етишмовчилиги қиёсланаётган гуруҳга (1б гуруҳча) нисбатан камроқ намоён бўлгани кузатилган.

Ўткир нурланиш олган лаборатория ҳайвонлари гематологик кўрсаткичлари - сегмент ядроли нейтрофиллар, эозинофиллар назорат гуруҳига нисбатан ишонарли пасайган бўлса ( $P<0,05$ ), базофиллар миқдори ишонарли ошган ( $P<0,05$ ), нейтрофиллар гиперсегментацияси параметрининг кескин ошиши (асосий гуруҳдаги  $11,0\pm 0,6\%$  га нисбатан назорат гуруҳида  $2,1\pm 0,4\%$ ,  $P<0,001$ ) ўткир нурланишнинг характерли хусусияти сифатида талқин этилган. Биокоррекция эса тайёқча ядроли ва сегмент ядроли нейтрофиллар миқдorigа салбий таъсир қилиши билангина фарқланган, аммо олинган рақамлар ишонарли бўлса ҳам, бир биридан катта фарқ қилмаган, шу сабабли биокоррекциянинг тажриба ҳайвонлари гематологик кўрсаткичларига таъсири амалий жихатдан йўқ, деб ҳисобланган.


Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Сурункали нурланишнинг тажрибада иммун тизими асосий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижаларининг таҳлили»** келтирилган.

Сурункали нурланишда лимфоцитлар умумий миқдори ҳолати тўғрисидаги ҳаққоний маълумот уларнинг нисбий миқдорини ўрганиш жараёнида олиншини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич  $41,8\pm 1,7\%$  гача пасайганига эътибор қаратилган, бу назорат гуруҳига нисбатан ( $49,8\pm 1,1\%$ ) ишонарли равишда паст бўлиб ( $P<0,05$ ), сурункали нурланиш таъсири натижасида рўй бергани эътироф этилган. Ўткир нурланиш билан солиштирилганда эса лимфоцитлар бу кўрсаткич улардан юқориликгича қолган ( $P<0,05$ ).

